(Тўгри сўзлар сўзларам мумкин кадар, Хох онам ранжисун, хохи падар).

Ухлаб колган кишиларни бошлаб мулойим овоз ила уйготмок одобдандур. Садо кифоят этмаганда мутлако туртиб уйготмокга мажбурият кўрилур. Мен хам ушбу коидани риоя килуб, ахволи олам ва иктизои замондин оз хабарлик мухтарам шоирларимизни уйготмак нияти хайрихохонаси ила товуш чикармакчи бўлдум. Аммо биравга насихат берурга ёки туртиб ранжитмокга асло хакким йўкдур. Маълумки, дунёда хар бир илм ва хунарни фойдали максадга етмок учун ўрганурлар. Диний ёки дунёвий фойдаси бўлмаган илм ва фанни тахсил этмок йўлига акли бор одам хеч вакт азиз умрини сарф килмас. Эмди шеър масаласида келсак, бу фан шаръан мазмум бўлмаса керак. Чунки асри саодатда хам асхоби киром ичида машхур шоирлар бор эди. Ва аларни шеър иншодидан ислом манъ килмабдур. Хатто Ахзоб мухорабаси бошланмасдан бурун Мадинаи мунаввара атрофинда «хандак» казмок асносинда пайгамбаримиз саллаллоху алайхи васалламнинг ўзларида Абдуллох бин Равохнинг шеърини ўкиб биззот туфрог тошигонлари ривоят ўлинмушдур.

Яна бир неча жихатдан шеърнинг таъсир ва фойдасини-да инкор килиб бўлмас. Чунончи, мухофизаи тил ва адабиёт ва миллий хиссиётни кўзготмок ва бошка важхлар учун шеърнинг келтурадурган фойдалари нихоятда кўбдир. Лекин бир неча асрдан бери бошка санъатларимиз каби фани шеърга хам суистеъмол килиниб; алалхусус бу замонда шеър, таърифи хатту хол, тавсифи май ва жом ё тамаъгарона маддохиёт ва гаразгарона хажвиётдан иборат бўлуб колди. Мана шул сабабли ахлоки омма бузулуб, жувонбозлик феъли ва шаробхўрлик одати халк кўзига мубох даражасида келди.

Халк ашъори фиския ва ё хажвиядан лаззат олатурган бўлуб ахлоки диния таъсир килмас. Эмди умид килурмизки, бир мундан сўнг фазилатлу шуаромиз (бир-икки зот истисно) ошикона шеър ва хажвомез назм иншод этмакдан воз кечуб, замонага мувофик фанний, миллий ва ахлокий шеърлар иншод этарга киришсунлар. Токи, бу сабабдан бутун мустакбалдаги авлодимизнинг ахлоклари тузула бошлаб, миллий хислари ва ахлоклари тузалсун. Шунинг ила дин ва миллат, илм ва маданият йўлида кадам босиб фойдали ишлар ишласунлар. Миллий шеърларнинг намунасини кўруб истифода этмак учун: Абдулхак Хомид, Тавфик Фикрат, Мухаммад Ходий ва мархум Абдулла Тўкаеф каби шуарои асримизнинг ашъорини олдуруб мутолаа килинса, ибрат олинмокига шубха йўкдур.

(Мехрий, бу тўгри сўзинг каттиг эрур, Оре нофеъ дору хам аччик эрур).

«Ойна» журнали, 1913 йил, 9-сон